



«Мунтахаб ат-таворих» (Сайланган тарихлар китоби) асари муаллифи Мухаммадхакимхон ибн Маъсумхон тўра Қўкон тарихнавислик мактабининг йирик намояндаси ҳисобланиб, муаллиф Хақидаги маълумотлар асосан шу ёзма ёдгорликнинг ўзида келтирилган, шунингдек, бу тарихий манба ва унинг яратувчиси борасида Абдулла Кодирий, Александр Александрович Семенов, Азиз Каюмов, Ахрор Мухторов, Бўрибой Аҳмедов, Энвер Хуршут, Шодмон Воҳидов каби олимлар қимматли фикрлар билдиришган.

Академик Азиз Каюмов эса ушбу сатрлар муаллифи билан бўлиб ўтган суҳбатларда Мухаммадхакимхон каламига мансуб «Мунтахаб ат-таворих»нинг кўп жихатлари билан Бобур подшоҳнинг машҳур мемуар асари «Бобурнома»га ўхшашлиги ҳақидаги нуқтаи назарни ўртага ташлаган эдилар. Эслатиб ўтиш жоизки, ушбу кўлингиздаги ўзбекчага таржима ҳам ана шу қарашларга кўра айнан Азиз Каюмовнинг маслаҳати ва кўллови билан амалга ошди. Ўзбекистонда манбашунос олим Энвер Хуршут тамонидан «Мунтахаб ат-таворих» махсус ўрганилган. Э.Хуршут ўз тадқиқотларида асарнинг нусхалари, унинг манбалари, тарихий ва адабий манба сифатидаги аҳамияти, мемуар жанридаги Ушбу муқаддимани ёзишда Э.Хуршутнинг мазкур тадқиқотларидан ҳам кенг фойдаланилди. «Мунтахаб ат-таворих» асарини Мухаммадхакимхон форс-тожик тилида Китоб ва Шахрисабз шаҳрида 1259/1843 йилнинг ёзларида ёзиб тугатган. Мазкур асар Қўкон тарихнавислик мактабининг гайрирасмий тарихий асарлари сирасига қиради. Унинг илова қисми эса 1844 йилнинг охири ёки 1845 йилда ёзилгани борасида ҳам ишонч билан фикр билдиришимиз мумкин. Муаллиф нусхасидан шу 1843 йили яна ўнта нусха кўчирилгани ҳам маълум. Мухаммадхакимхон асари хонлик ҳудудларида кенг тарқалишидан ўзи ҳам манфаатдор бўлгани учун ундан нусхалар кўчиришга анча саъй-ҳаракат қилган. Юқорида таъкидланганидек, «Мунтахаб ат-таворих»нинг ўзбек тилидаги қисқартирилган таржимаси ҳам мавжуд. Бирок, мазкур нусхани Э.Хуршут П.П.Ивановга ўхшаб асарнинг ўзбек тилидаги талқини деб қабул қилишни тавсия қилади. Изланишлар натижасидан маълум бўлдики, ўзбек тилидаги «Мунтахаб ат-таворих»нинг нусхаси асл форс-тожик тилидаги матндан анча йироқлашиб кетган. Унда кўплаб хатолар, воқеа ва саналарнинг чалқашлиги, таржимон(лар) томонидан муаллиф услубини соддалаштириш ёки матнга ўзгартишлар киритиш ҳоллари кўзга ташланади.

Бугунги кунда «Мунтахаб ат-таворих»нинг Ўзбекистон, Тожикистон ва Россия қўлёзма хазиналарида 12 та нусхаси мавжуд. Улардан №С 470 (Россия), №63 (Тожикистон) ва №592 (Ўзбекистон)даги нусхалар матнларнинг тўлаллиги ва яхши сақланганлиги билан ўз қийматига эга қўлёзмалар ҳисобланади. Асарнинг Шахрисабзда Мухаммадамин

котиб томонидан кўчирилган бир нусхасининг факсимилеси икки жилдда 1984 йили Душанбеда чоп этилди. 2006 йили Мухаммадхакимхон Асарнинг тузилиши: асарининг иккинчи жилди араб ёзувида Токиода ҳам босилиб чиқди.

I боб. Пайгамбарлар.

II боб. Кадимий Эрон сулолалари.

III боб. Чин ва Фаранг шохлари.

IV боб. Чахорёрлар, умавийлар ва аббосийлар халифалари хақида.

V боб. 1) Саффорийлар, 2) Сомонийлар сулоласи. 3) Ол Бўя хукмронлиги. 4)

Газнавийлар. 5) Салжукийлар. 6) Хоразмшоҳлар салтанати. 7) Чингиз ва чингизийлар хонадони. 8) Темурийлар. 9) Шайбонийлар. 10) Аштархонийлар. 11) Мангития салтанати. 12) Мингия тоифаси. «Мунтахаб ат-таворих» нусхаларидан Санкт-Петербург нусхасида (С 470) яна илова ҳам бор. Бу илова ҳам Мухаммадхакимхон каламига мансуб бўлиб, унда Шералихон даври (1842-1845 й.) ҳамда Худоёрхоннинг тахт устига чиқиши баён этилгани (689-707 бетлар). «Мунтахаб ат-таворих»нинг манбалари жуда ҳам кўп бўлган. Кўкон тарихчиларининг асарлари форс-исломий тарихнавислиги асосида шаклланган бўлиб, уларда умумжаҳон ва локал (махаллий) тарихга бағишлаб ёзилган асарлар учрайди. «Мунтахаб ат-таворих» асари умумжаҳон тарихига бағишлангани боис муаллиф тарихни олам ва одам яратилишидан бошлаб, XIX асрнинг ўрталаригача баён қилган. Шунинг учун тақдим этилаётган маълумотларнинг дастлабки қисми бошқа кўплаб тарихий ва адабий манбалар асосида битилган. Шу сабабли улар оригиналлик касб этмай, асарнинг қолган қисми учта мавзуга, яъни Бухоро мангитлари тарихи, Кўконда ҳукм сурган минглар сулоласи ҳамда муаллифнинг чет элларга саёхати баёни бўйича тақсимланар экан, бу маълумотларнинг барчаси Мухаммадхакимхоннинг ўз каламига мансуб қимматли манба ҳисобланади. Тўғри, муаллиф аниқ қилиб кўрсатгани каби, Мухаммадхакимхон ўз асарининг мангитлар қисмини ёзишда Мухаммадвафо Карминагий ва Олимбек ибн Ниёзқулибек каламларига мансуб «Тухфат ал-хоний», Мухаммадшариф ибн Мухаммаднакийнинг «Тож ат-таворих» ва бошқа муаллифларнинг асарларидан фойдаланган. Бунга асарни тадқиқ қилган олим Э.Хуршут ўз вақтида аниқлик киритган эди. Шунингдек, Мухаммадхакимхон ўша давр воқеаларининг бевосита иштирокчиларидан ҳам талайгина маълумотларни эшитган ва муаллиф бу фактларни «Мунтахаб ат-

таворих»да махсус қайд этиб ўтади. Минглар ва мангитларнинг хукмронлиги, яъни Кўкон хонлиги ва Бухоро амирлиги тарихига оид маълумотлар ўта муҳим ва бирламчи манба сифатида биз учун қимматлидир. Шунинг учун ҳам мазкур манба Кўкон тарихнавислик мактабида (Бухоро тарихнавислигида ҳам) ўзининг оригиналлиги ва расмий тарихчи томонидан ёзилмагани билан ажралиб туради. Асар муаллифининг саёхат ва эсдаликлари тафсилоти, шубҳа-сиз, яна ҳам қимматли манба бўлиши билан бирга уларнинг адиб Мухаммадхакимхон тилидан жонли ва таъсирчан услубда баён қилиниши асарга бадиийлик ҳам бағишлаган, яъни айтиш мумкинки, муаллиф қисматининг маҳорат билан бадиий бўёқларда ифода этилиши «Мунтахаб ат-таворих»ни қахрамон-ёзувчининг ички кечинмаларига ҳам бой бир саргузашт-роман даражасига кўтарган. Китобда, шунингдек, инглизлардан енгиллиб Бухорога амир Насруллоҳ олдиға қелган афгонлар ҳукмдори Дўстмухаммадхон ва унинг ўғиллари Акбархон, Султонхон ҳамда ақаси Мухаммадалихондан сўнг озгина вақт хонлик тахтига ўтирган, аммо унғача қувғинликда Шахрисабзда ҳаёт кечирган Султон Махмудхон ва бошқа айрим нуғузли рухоний, амалдор, шоирлар қисмати улар ҳикоялари ва муаллифнинг шахсий

кузатишлари оркасида вужудга келган фикрлар асносида тилга олинади.

Мунтахаб ат-таворих»да муаллиф учун манба вазифасини бажарган мактублар (Дўстмухаммадхоннинг Хиндистон генерал-губернатори В.Макнотеннинг котиби Лотга мактуби; Султон Махмудхоннинг амир Насруллохга хати; амир Насруллохнинг Кўкон хони Мухаммадалихонга хати ва бошқалар)нинг хужжат сифатида хавола этилиши эса асарнинг тарихий кийматини яна ҳам оширишга хизмат қилган. Хатто улар афгон, хинд тарихчиларининг маълумотларини тўлдиришга ҳам яроклидир. Бундан ташқари асарда муаллиф шарқ шоир ва адибларидан Ибн Сино, Фирдавсий, Умар Хаём, Саъдий, Пахлавон Махмуд, Низомий, Алишер Навоий, Бедил, Хусрав Дехлавий, Иноятуллох Канбу, Ахмад ибн Юсуф, кўконлик шоирлар Фазлий, Акмал Шер Хўкандий, Нусрат, Бехжат, Амирий (амир Умархон), Хоразм хони Мухаммадрахимхон I шеърларидан намуналар келтиради. Асарнинг бадиий безаклари сифатида форс-тожик, ўзбек, араб халқларининг мақол ва масалларидан унумли фойдаланилган. Э.Хуршутнинг аниқлашича, муаллиф, хатто битта хитой халқи мақолини ҳам келтирган.

Хақимхон таниқли саййидлар ва хонлар авлодига мансуб оилада 1217/1802-03 таваллуд топган. У она томонидан Кўкон ҳокими Норбўтабийга (1770-1798) набира ва унинг вориси Олимхонга (1798-1810) жиян эди. У ёшлигида Кўконнинг бўлғуси ҳокими Мухаммадалихон (тав.1806 й. Хукмронлиги 1822-1842) билан бирга тарбияланади. Мухаммадхақимхоннинг бобоси Хақимхонтўра ўша даврнинг таниқли шахсларидан ҳисобланарди. Унга энг обрўли одамлар, хатто давлат бошлиқлари ҳам маслаҳат ва ёрдам сўраб мурожаат этишарди. Хақимхонтўранинг аралашуви билан бир неча жанжаллар, айниқса Уратепа билан Бухоро амирлиги ўртасидаги қонли низоларнинг олди олинган. Хақимхоннинг отаси Маъсумхон тўра Олимхоннинг синглиси Офтобойимга уйланган эди. Олимхон уни Исфарага ҳоким этиб тайинлаганда у бу лавозимдан ўз ихтиёри билан воз кечган. Маъсумхон ўта юмшоқ кўнгилли бўлиб, унинг илтимоси билан бир неча минг киши ўлим жазосидан қутулиб қолганлар.

Хақимхон яшаётган оила саййид ва хўжалар авлодига мансуб бўлиши туфайли хонликда алоҳида ҳурмат ва мавқега эга бўлган. Умархон даврида оила бошлиғи Маъсумхон тўра давлат ишларига ҳам фаол аралашган.

Лекин бу оиланинг тинчлиги, орттирган мавқеи узокка бормади. 1822 йил охирида Мухаммадалихоннинг ҳокимият тепасига келиши билан ҳаммаси остин-устун бўлиб кетди. Хақимхонлар оиласи ҳам бошқа кўплаб қишлоқ каби янги ҳокимнинг қазабига учради. Бу даврларда Кўкон хонлиги энг қучли давлатлардан бирига айланганди. Унинг қўшнилари ҳам бу давлат билан ҳисоблашмасдан иложлари йўқ эди. Кўкон хонлигига асосан 1709 йилдан бошлаб асос солинган. Бу пайтда мазкур хонлик Бухоро амирлигидан алоҳида мустақил равишда шаклланиб, Норбўтабий хукмронлиги йилларида Фаргона водийси ва Хўжанд (ҳозир Тожикистондаги Сўғд вилояти) ҳудудларини ўз ичига олган. Олимхон хукмронлиги йилларида бу хонлик чегаралари янада кенгайиб, Тошкент ва Чимкент шаҳарларини ҳам ўз ичига олди. Умархон хонлиги даврида эса Туркистон шаҳри, Еттисувдан Или водийсигача Кўкон хонлиги таркибида эди. Мухаммадалихон хукмронлиги даврида Кўкон хонлигига козок ва қирғизлар яшайдиган катта Ҳудудлар ҳам бўйсундирилди. Унинг давлат чегаралари жанубдан Жиззахгача, гарбдан Туркистон шаҳри атрофларигача, шимолдан қирғизларнинг бутун ҳудуди бўйлаб, Балхаш кўли ва Или дарёсидан то Шарқдаги Қошқаргача чўзилган эди. Мухаммадалининг давлат

тепасига келиши кучли тазйик ва кувгинлар билан ажралиб туради. У кўпгина кишилар, биринчи навбатда Маъсумхон ва Хақимхоннинг ҳам ўз юртидан бош олиб чиқиб кетишига сабабчи бўлди. Бунинг замирида аслида янги хоннинг яккахокимликка интилиши, илгари нуфузга эга бўлган хўжаларни хокимиятдан четлатиш максоди турса-да, Мухаммадхақимхон тўра мазкур китобида кўпинча бунда адоватчи, хасадгўй амалдорларнинг ичи коралигини сабабчи қилиб кўрсатишга майл билдириб, уларнинг куткуси орқасида Маъсумхон ва унинг ўгли, яъни ўзи каби зиёли кишиларнинг бадарга этилганига ургу беради.

Рус олими В.Наливкиннинг таърифлашича, «ўз даврининг ёркин фикр эгаси бўлган, ўша машъум тузумда инсонпарварлиги билан ажралиб турувчи», юксак билим эгаси, юкори табакага мансуб бўлишидан катъи назар, ўз умрини кувгинлик ва дарбадарликда ўтказган Маъсумхон хаёти фожиали яқунланади.

Хонликдан Маъсумхонни чиқариб юборишга эришган Мухаммадалихон кўп ўтмай Хақимхон тўранинг тадбирига тушганди. Бирок, хон эл орасида Хақимхон тўра каби эътибор топиб улгурган хўжазода тўрани ўлдиришга ботина олмайди ва ниҳоят унинг ёлғиз ўзини, гўё хажга рухсат берган бўлиб, аммо, уйдан бир танга ҳам олишига йўл қўймаган холда ярим кечаси Кўкандан, ундан ўтиб эса хонлик сархадидан посбонлар хамрохлигида чиқариб юборади. Хақимхоннинг машаккатли саргузаштлари бошланади. У одам юрмас чўл-биёбонлардан ўтиб, Русияга карашли Шамай шахрига етиб келади.

Унинг чет эл давлат тузуми ва сиёсий-ижтимоий, иктисодий ва маданий хаёти билан танишиши ана шу Шамайдан бошланади. «Уткан кунлар» қахрамони Отабекка ўхшаб у ҳам рус давлат тизимидаги кўп тартиб-қоидаларни мактаб тилга олади. Хақимхон тўра Сибирнинг бир неча губернияларида бўлади. Лекин зийрак Хақимхон қайси губернияга борса ҳам у ернинг губернатори ёки мансабдор шахслари билан учрашмасликка ҳаракат қилади. Учрашувга рози бўлмаслигининг сабаби уларнинг Петербургга бориш хақидаги ёқимсиз суҳбатини эшитмаслик эди. Бирок, тақдирдан қочиб қутилиб бўлмайди.

Хақимхоннинг Оренбургда туриши ўша вақтларда Сибир бўйлаб саё^ат қилиб юрган Александр I нинг бу шахарга ташрифи вақтига тўғри келган бўлиб, подшоҳнинг буйругига мувофиқ, Хақимхонни унинг ҳузурига олиб борадилар. Рус ҳукмдори Хақимхонни катта иззат-икром билан қарши олади. Мазкур учрашувда подшоҳ Хақимхондан Урта Осиёдаги сиёсий-ижтимоий ва иктисодий вазият хақида ҳам маълумот олади ва бу ҳақда муаллиф шундай ёзади: «...Мен билан подшоҳ ўртамиздаги суҳбат эса жуда ҳам қизиқ, авжига минганидан ўша кечаси бошқа ҳеч қимсани ҳузурига таклиф қилмади. Мен билан ҳар тўғрида сўзлашди. Айниқса, Мовароуннаҳр аҳоли борасида кўп сўраб-суриштирди.

Сахарга яқингина каминага кетиш учун ижозат берди...»

Шу ерда бироз рус подшоҳнинг Хақимхон шахсига қизиқиши ва муаллифнинг нимадандир чўчиб, суҳбатлар мазмунини бир сатр орқали бўлса ҳам ёритмагани, ҳатто, бошқа йўллар билан ишора қилмагани устида фикр юритсак. Албатта, муаллифнинг ўз сири сифатида буни айтмасликка ҳақ-ҳуқуқи бор. Аммо, бизни қизиқтиргани шуки, Хақимхон тўранинг ўқувчини бу мавзудан қалғитиш учун ҳадеб ўзини губернаторлар ва рус подшоҳ билан учрашишга қолойик «бир сайёҳ» сифатида кўрсатиши ёки «Мовароуннаҳр аҳоли борасида кўп сўраб-суриштирган» Александр I билан амалга ошган суҳбат мазмунини сира ҳам эслатмаслик йўлидан бориб, бу ҳас-пўшлаш орқали биздан нимани яширмоқда? Биринчидан, Хақимхон тўра айнан ана шундай учрашувларга ўта қолойик қиши бўлиб, у ҳам хон авлодидан экани, ҳам рухонийлар хонадонидан қикқани билан давлатга даъвогарлик ҳуқуқига эга шахс-ку! Шундан қелиб қикиб, айта оламизки, бу каби шахслар

Хақимхондан илгари ҳам, кейин ҳам (масалан, ақаси тазйикидан қочган Бухоро шохзодаси Дин Носирнинг Петербургда бориши) Ўрта Осиё ерларига кўпдан бери кўз тиккан рус давлатини қизиктириб қелиб, улардан фойдаланишдан ҳеч қачон воз кечишмаган. Чунки, бунинг Урта Осиё давлатларини ўз таъсири доирасига олишда жуда ҳам кўл қелиши аниқ эди. Қўрганимиздек, Александр I мақкур ўтиришга қингизий авлоддан қозоқ ақлзодаларини ҳам тақлиф этган. Рус ҳуқмдори қарчи улардан ижирганса, мөнсимай устларидан қулса ҳам улар билан учрашишдан қортинмаган. Хақимхондек ўқимишли ва зукко, доно ақлзода билан учрашиш эса нур устига нур бўлиб, бунда у қакат Мовароуннаҳр ҳақида шунчаки маълумот олишнигина кўзда тутмаган. Тарихдан қиламизки, Рус подшоҳи Павелга суиқасд уюштирилиб, ўлдирилиши оқибатида унинг Наполеон Бонапарт билан ҳамқорликда Англия вассали Қиндистон устига қарбий қуриши режаси амалга ошмай қолди. Бу қуриш Эрон усти оққали уюштирилиши лозим эди. Айни қайтга қелиб эса Александр I ҳам ана шундай қуриш қайига тушиб, Қиндистонга Урта Осиё ва Афғонистон оққали ўтишни режалаштирган, афғонлар қарзамини эса инглизлар қомонидан ишқол қилиниб, қар икки давлат Урта Осиёга ҳам кўз қикаётган эди. Қолаверса, иққала Рус-Эрон урушидан (1814, 1824) сўнг Қафқозни ўз таъсир доирасига олган Россия давлати Эроннинг шимоли-қарбий ҳудудларида ҳам назорат ўрнатишни кўзлаётгани. Шунинг учун руслар Урта Осиё давлатлари билан яқши иттиқоқчи, ёки бўлмаса Қива, Бухоро ерларини босиб олишга қасд қилган эдилар. Албатта, бундай қолда бирор сиёсий қитна уюштириб, бу сингари моқародан ҳам фойдаланишлари ҳеч гап эмасди. Ана шу мақсадда эса уларга Хақимхон тўрага ўқшаш сиёсий сиймонинг аққотиши турган гап эди. Россия ҳуқмдори шунинг учун ҳам Оренбургдаги учрашувга қарамай, Қўкон давлатининг норасмий вақилини Петербургда тақлиф этиб, ўз режасини қарбий бошлиқлар оққали унга етқазиш, яъни ўз давлатидан норози ва аламзада Хақимхондан янги ҳуқмдор «ясамоқчи» бўлган эсалар ақабмас. Балки, бошқа қиши бўлганда бунга қўнар ёки бироз вақт бўлса-да, шу мақсадда қаракат қилиши мумкин эди. Бирок, юқорида қўрганимиз қабии ватанпарвар ва динпарвар Хақимхон қарчи Мовароуннаҳрнинг сиёсий ва иқтисодий ақволи ҳақида гақуриб берган бўлса-да, ақл мақсад ва унинг оқибатларини яқши аңглақач, Петербургда бориш, аниқроқи, у ерда воқеалар гирдобига тушиб қолишдан ўзини қутқарганча, ҳажга бориш ҳақидаги қасамини яқшигина рўқач қилган қўйи тезроқ Россия ҳудудидан қикиб қетишга ошиқади. Шундан сўнг Россия давлати унинг кўзига ёмон қўриनावеради, ҳатто, Астраҳанда тутқунликда турган қерқас шохзодасини ноқонуний ҳужжат билан таъминлаб, ақирликдан қутқаради ва асарининг айрим ўринларида рус давлати мансабдорларини ёмонлаб қилга олади. Оренбургда қайти Александр I Хақимхонни қомоша қилдириш учун турмага олиб қиради. Бу ердаги ўта оқир шароит ва мақбусларга қилинаётган гайриинсоний муносабат Хақимхонда ёмон таассурот қолдиради. У Россиядаги турма қизимини рус подшоҳи ҳузуридаёқ оқикдан-оқик қоралайди. Шунингдек, бу мамлақатда ноқонуний тугиш қоллари кўп эканини «қаромзодақоналар» мисолида қўрсатиб, бундай болаларни давлат ўз ҳимоясида тарбиялаб воқа етқазқач, давлатнинг бунинг эвазига улардан эрқисиз қамият аъзолари вужудга қелтиришидан нақратланади. Яна айтиш лозимқи, Хақимхоннинг ватанпарварлиги бошқа ўринда ҳам намоён бўлади. У турқлар империясига қарашли ақойиб, сўлим ва қаровон шарқ ўлкаларига етқач, дастлаб ўзини қайтиб борса, тақдид-тазйиқлар билан қарши олувқи Ўрта Осиёга қайтмасликка ақд қилади. Аммо, бу ерларни ҳам оқдон қўргач ва ота ватанида соқир бўлаётган сиёсий моқаролар қуқаяётгани ҳақида ҳабар тоққач, ватан

ободлиги ва халки тинчлигини ўйлаб, тезда Мовароуннахрга кайтиш кўйига тушади. Узга юртларда ўзи учун яратилган барча кулай шароитлардан (масалан, Миср генерал-губернатори Мухаммадали пошо уни ёнида қолишга чакиради ва барча шароитларни мухайё қилишини билдиради) ва ҳар қандай юкори мансаблардан, ҳатто, имкони тугилиб Европага бориб қелишдан ҳам воз кечади. Диндор сифатида Каъба ҳаваси уни қанчалик ўзига тортган бўлса, ўз ватанининг чин фарзанди сифатида юрт-эл севгиси ҳам Ҳакимхонни шунчалик оҳанрабодек ўз бағри сари қорлайди. У бу йўлда ўлимига ҳам рози бўлиб, шиа мазҳабли эронликлар ҳуружи ва қарокчи туркман саройилари ҳужумига ҳам қарамай, минг азоб-уқубатда Мовароуннахрга етиб олади. Шу ўринда сал олдин ўтиб бўлса-да, Ҳакимхоннинг бошқа ана шу қаби шарафли ҳислатларига тўхташга тўғри келади. Ҳакимхон халққа жабр-зулм етказувчи ҳар қандай тузумдан ўта нафратланар эди. У ҳаждан қайтгач, Бухорода тураркан, ноиложликдан амир Насруллохнинг қайта-қайта илтимос-ўтинчларига кўра давлат хизматида қиради. Бирок, унинг халққа зулми ҳаддан зиёд экани ва одамлар қонини беҳуда тўкишини кўргач, кўп ўтмай мансабдан воз кечади. Буни сезган амир ҳам зиёли ва халққа ичи ачинувчи ёш амалдор Ҳакимхонни ўз қолига қўяди. Ҳакимхоннинг яна бир яхши ҳислати у қасоскор инсон эмас, юрагида қин ва қек сакламасди. Астраҳанда ўзининг юртдан чиқиб кетишига сабабчи бўлган қишилардан бирини учратади. У ҳам хон томонидан дарбадар қилинган экан. Қўнғлида қек сакламайдиган Ҳакимхон унинг айбини юзига солмайди, аксинча ачиниш билдиради ва гурбатдаги бу ватандошидан қўлидан қелган яхшилигини аямайди.

Ҳакимхон вафодор дўст ҳам бўлиб, Астраҳанда танишган Малик Қосим исмли черкас йигити ва Миср, Сурия, Эронда орттирган дўстлари гамига шерик бўлади ва оғир қунларида қўлдан қелганча уларга ёрдам беради. Ҳакимхон қарашича, дўстларга оғир қунда қўмақлашиш, дардига малҳам бўлиш ҳар бир қишининг инсонийлик бурчи ҳисобланади. Ҳакимхон чин севги эгаси, ор-номусли ва ҳаёли инсондир. У бир рус генерал-губернаторининг ниҳоятда гўзал, шу билан бирга ўта ҳаёсиз қизи қутқусига учмай, ўз нафсини тийганча турмага тушишга ҳам рози бўлади ва шунинг оқибатида анча азоб чеқиб, зўрга ўлимдан қутулади. Унинг ўз нафсини тиймаган араб ва эронлик дўстлари эса аёллар қийласига учиб, қонларини қарбод қилишига сал қолади. Ҳакимхонни эса бу аёллар ўз тузокларига илинтира олмай доғда қолишади. Муаллиф отасининг беваси, яъни «ўғай онаси»га уйланган ва шу сабабли қонлик ҳаётида машъум қодисалар қўптирган Мухаммадалихон ва мазкур аёл, аниқроғи, Қонпошқони қаттиқ қоралайди. Ҳакимхон Қонпошқони Умарқонга тегишидан олдин таниган ва тоғасининг қаройида у билан қўп марта мулоқотда бўлган. Асар охирида, Қонпошқонинг Бухорода амир Насруллох томонидан ўлдиргани ҳикояси асносида қилинадики, Ҳакимхон ҳам бу гўзал аёлга ошиқ бўлган, бирок ор-номус, ҳаё унинг Қонпошқога қисбатан Мухаммадалихон қилган уятсиз муносабати қаражасига ҳаё етишга йўл қўймаган.

Ҳакимхон ҳурофот ва илмсизлик душмани ҳамдир. У тоғаси амир Олимхоннинг қўллаб ишларини қоралаб ёзса-да, унинг ҳурофотга қарши тақбирларини мақтайди ва халқ онгини қин ва шарият ҳуқмларидан қалғитувчи қарқли ҳурофот моҳиятини оқиб беришга интилади. Амир Олимхон ясама ҳўжа ва саводсиз руқоний мансабдорлар қирини ҳам улардан ҳужжат-қалил сўраб қош этган, мансабдор руқонийларни имтиқон қилгач, қолойиқларини ишдан қетлаштириб, ўринларига саводли қишиларни қўйган.

Булар муаллиф тахсинига сазовор ишлар каторида тилга олинади. У Мухаммадалихон даврида шу хон касофати сабабли рўй берган иллатли ишлар каторида калбаки кадамжоларнинг ҳам вужудга келиб колгани, халк яна хурофотга муккасидан кетаётганини бир неча мисолларда кўрсатиб ўтади. Кимлардир хонга бир неча ўт толаларини келтириб, буларни ислом пайгамбари сочлари ўрнида такдим этгач, хукмдор уларнинг гапига лакка ишониб, бу ўтларни катта пул эвазига сотиб олади ва амалдорларидан бирининг уйида бу «мукаддас» соч толаларини халк намойиши учун кўйдиради. Натижада минглаб соддадил кишилар ўша муборак соч толаси (мўйи муборак)ни тавоф этиш учун шаҳару-кишлоклардан окиб кела бошлайдилар. Сўнг бу сочлар бошка жойга кўчирилиб, ўша мавзе номи ўзгаришига сабаб бўлади ва у жой бир умрга «Мўйи муборак» номини олади. Мухаммадхакимхон тўра ёзишича, у араб мамлакатларининг хаммасида бўлиб, ҳеч бир ўлкада бундай Холни кўрмаган, лекин хаждан кайтиб келгунча Фаргона водийсининг бир неча ерида «Мўйи муборак» номидаги кадамжо ва туманлар вужудга келган. Муаллиф ўзбек халкини хушёр бўлишга, ҳар қандай бидъат ва хурофий гапларга ишонавермасликка, чин ислом ахкомларига риоя қилишга чакиради.

Хакимхон орзу қилган айрим шарк мамлакатларига етгач, бу ерларда исломга риоя қилмай, баччабозлик ва фохишабозлик каби иллатларнинг очикдан-очик авж олгани, хатто Туркия султонлиги берган рухсатга кўра, Мисрдаги фохишаларнинг расмий равишда фаолият кўрсатаётгани гувоҳи бўлади ва хайратга тушганча бундай холдан ниҳоятда нафратланади. Миср, Сурия ва Эрондаги хукмдорлар саройларида рўй бераётган носоглом, ахлоксиз ҳаётни ўз кўзи билан кўриб, ўқувчига бу манзарани ёзиб кўрсатиш орқали, ўша ердаги ҳокимларнинг тубан ҳаёт сари юз тутганликларини қоралайди. Хакимхон ўз юртида ислом ахкомидан ташқари адабиёт ва фалсафа, тарих, мантик каби илмларни ҳам яхши ўзлаштирган бўлиб, унинг билимдонлигини кўрган араб, эрон подшоҳлари ва маликалари хайратда қолишади. Чет тилларни ўрганишга қобиляти қучли Хакимхон тез фурсатда рус тилини ўрганиб олиб, рус подшоҳи тахсинига сазовор бўлади. У араб ўлкаларида дастлаб бу тилда гаплашишга анча қийналади. Чунки, Ўрта Осиё мадрасаларида араб тили грамматикаси қанчалик яхши ўргатилмасин, амалда сўзлашиш қам эди. Аммо, Хакимхон кўп ўтмай араб тилининг бир неча лаҳжаларини ҳам ўзлаштириб, худди араблар каби сўзлашадиган, хатто, араб тили лаҳжалари хусусиятларига баҳо бера олиш билимдони даражасигача етиб, араб олимларини хайратда қолдиради. Форс адабиётидан яхши хабардорлиги учун юзлаб шеърларни ёддан айтиб, эронликлар тахсинига сазовор бўлади ва эронлик шоирлардан эшитган газалларни эслаб қолиб, сўнг «Мунтахаб ат-таворих»га киритади.

Мухаммадхакимхон ҳажга бориш ва қайтишда кўплаб мукаддас тарихий жойларда бўлади. Денгиз, ўрмон ва саҳроларда неча бор ўлим билан юзлашади, кенг тарқалган вабо касалига ҳам йўлиқиб, омон қолади. Ниҳоят, Эрон орқали ватанига қайтишга жазм қилиб, Шомдан Бағдодга, у ердан эса Эроннинг Хамадон, Санандаж ва Рашт шаҳарларини орқада қолдириб, Техронга келади. Эрон шоҳи билан ҳам мулоқотда бўлиб, Машҳад сари йўл олади. Қасалланган муаллиф бир ойдан сўнг Машҳадни тарқ этиб, Сараҳс, Тажан ва Маймана, Андхўйдан ўтиб, бир ойдан сўнг Амударё қирғоғига етиб ва бошидан яна қанча балоларни кечирганча ниҳоят Бухорога келади. Ҳаждан қайтган муаллифни яқин қариндош тукканлари ўз бағрига оладилар. Шу тариқа, Хакимхоннинг узок йил давом этган сайру саёҳати, жаҳонгашталик саргузаштлари ниҳоясига етади. У Россия, Туркия, Сурия, Фаластин, Миср, Арабистон, Эрон, Афғонистон мамлакатларида

бўлади. Хакимхоннинг қадами етган юртлар, шаҳарлар рўйхатида Кўкон, Тошкент, Туркистон, Шамай(Семипалатинск), Омск, Ирбит, Царицин, Астрахан, Мозандарон, Кавказорти, Синоп, Кайсария, Латакия, Дамашк, Газо, Кохира, Сувайш, Янбо, Жидда, Макка, Мадина, Кусайр, Арабистон чўли, яна Кохира, Газо, Куддус, Хаврон, Наблус, Дамашк, Багдод, Хамадон, Рашт, Нишопур, Машхад, Маймана, Андхўй, Бухоро, Самарканд, Уратепа, Шахрисабз, Китоб ва бошқа жойларни кўриш мумкин. Хакимхон соғиниб ва ошиқиб, интилиб келган юртида яна талай кийинчиликларни бошидан кечиради. Чунки, чингизий хукмдорлар (Кўкон, Бухоро ва Хива хонликлари) орасидаги асрий ўзаро низо ва саройдаги тахт таллашиш каби курашлар тўхтовсиз давом этаётган, бунинг натижасида эса Урта Осиё давлатлари тобора қолоқ ўлкага айланиб бораётган эди. Дунё кезган ўқимшли Хакимхон тўра бунинг оқибатларини яхши англади ва шунинг учун ҳам у бу воқеаларнинг барчасини ўта ачиниш, ўқинч билан қаламга олади. У Мухаммадалихонни ўз шахсий душмани сифатида билишдан юқори даражадаги инсон эди. Буни у бир неча бор яқинлари билан суҳбат асносида ва амир Насруллохнинг Хонпошо бахонасида Кўконга қонли юришини қаттиқ қоралаш билан маълум қилиб ўтади. Уни ташвишга солгани хонликлардаги нотўғри сиёсат, асрий қолоқлик оқибатларини ақл ва илм қуроли билан йўқотиш ўрнига, ўзаро урушлардан бирор лаҳза тинчимаслик, хукмдорларнинг халқ аҳолини ўйламай, аксинча уларга зулм ўтказиш, мамлакат иқтисодини юксалтириш ўрнига, хазинадаги бор маблағни қайфу сафо, маишатбозлик учун сарфлаш каби иллатлар бўлиб, илгор қарашли муаллиф буларни хонларнинг шахсий адоват ва хусумат орасида ҳам қанчадан-қанчаларнинг қонини тўкишдан ўзларини тия олмаслик, бекорчи, аммо қўп харжли тўйлар ўтказиш, итлар ва ов қушлари бўйнига қимматбаҳо марварид тақиш, қаптарларга тилло, қумуш уялар яшаш, инсон қадрини ерга урувчи одатлардан тийинмаслик сингари воқеа ва ҳоллар баёни оқали ўқувчига етказиб беришга интилган. 1844 йили муаллифга энг яқин зиёли ва маърифатпарварлардан шоир Хозик, йирик руҳоний эшон Шофии (Дарвеш эшон) амир Насруллох буйруғи билан Шахрисабзда хуфиёна равишда қатл этиладилар. Чунки улар зулми ҳаддан ошган амир Насруллох ҳузуридан қочган ва унинг қилмишларини очикдан-очик қоралаган эдилар. Хукмрон жаҳолат эса бу зиёли кишилардан ана шу тарика қасос олди. Хакимхон кишиларни ўша пайтдаёқ ҳокимликка эга ҳар қандай жаҳолатнинг ҳар бир даврда ҳам халқ бошига ана шундай қулфатлар солишидан оғох этган. Ахир 1919 йили Қаршида ўлдирилган Бехбудий ёки Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирийлар қисматида тарих шу нарсани қайтадан қўрмадими? Фақат бугина эмас, узокни кўра билган Хакимхон юрт устига ташқаридан қелиши мумкин бўлган ҳавф-хатардан ҳам халқни, жумладан, амалдорларни оғохлантиришни ҳамда дунё мамлакатлари тараккиёт йўлига аллақачон тушиб олиб, фақат бир пайтлари ҳарбий қудрат ва илм-фан, маданиятда юксалик намунаси бўлган Мовароуннаҳргина барча соҳаларда оқсаетганини қўрсатишни ниёт қилган. Шунинг учун ҳам Хакимхоннинг «Мунтахаб ат-таворих» асари тарихий воқеаларни қамраган манба ёки муаллиф саргузаштлари баёни бўлиб қолмай, ўша давр зиёлисининг аянчали нидоси, орзу-истаклари ва ватанпарварлик ҳис-туйғулари ҳамда оғохликка йўғрилган турли эзгу фикрларини кейинги авлодга етказувчи уйғок дил изҳори, қақирриқнома ҳамдир. Хакимхоннинг вафот йили ва қабри номаълум. Бирок, Мухаммадҳақимхоннинг уруг-қариндошларидан қўпчилиги эса бугунги қунда Ўзбекистон ва Тожикистонда истиқомат қилишмоқда. «Мунтахаб ат-таворих»нинг тарихий манба сифатидаги аҳамиятига тўхталиб яна шуларни айтиш мумкинки, асл қасби тарихчи бўлмаган, бирок

замонасининг энг маълумотли ва зукко, зиёли шахс бўлган Мухаммадхакимхон ўз асарида «Мунтахаб ат-таворих» асари XVIII асрнинг иккинчи ярми XIX асрнинг 40-йилларигача Бухоро амирлиги (мангитлар даврига оид) ва Кўкон хонлиги тарихи (минг сулоласи даври)ни ёритишда бирламчи ва мухим манбадир. «Мунтахаб ат-таворих» тарихий-биографик ва мемуар асар сифатида ҳам Кўкон тарихнавислик мактаби ва адабий мухитида алоҳида ўринга эгадир. Бундан ташқари Хакимхоннинг асари ўша даврдаги Туркия Миср, Эрон, Афғонистон ва Россия тарихига доир мухим маълумотлар ва кузатувларни ҳам беради. «Мунтахаб ат-таворих» асаридаги ўтрок ва кўчманчи аҳолининг давлат ва ижтимоий тузумларига доир, Фарғонага келиб ўрнашган кўчманчи қабила ва элатларнинг тарихи, уларнинг янги иттифоклар тузишдаги ўрни, исломийлашув масалалари, ўлкадаги этник ва этносиёсий жараёнлар, хонликнинг Бухоро билан алоқалари, юриш ва уришлари ҳақида аник маълумотлар; кўчманчилар ва ўтрок аҳоли анъанасига асосланган марказий давлат-маъмурий тизими ва бошқарувининг шаклланиши, унинг омукталики (синкретик) моҳияти; Кўконда минг ва Бухорода мангит сулоласининг ҳокимиятни кўлга олиш жараёни, уларни босиб олинган янги ҳудудларида ҳукмронликларини қонунийлаштириш (легитимация) масалаларига доир кузатувлар, ўзаро урушларнинг гайриинсоний кўриниши, тинч аҳолининг азоб ва укубутлари; бу сулолалар даврида жорий қилинган ва амалда бўлган унвон ва мансаблар, уларнинг даражалари ҳақидаги маълумотлар, улар давридаги ҳарбий тарихи, аскария ва ҳарбий иши тўғрисидаги ахборот; марказий хон маъмуриятининг маҳаллий ҳокимият (вилоятлар) билан алоқалари, вилоятларнинг даражаси, уларнинг хонлик сиёсий ва хўжалик ҳаётидаги ўрни, зодагонларнинг этик ва эстетик қадриятлари, ахлокий вазият (баччабозлик қаби қусурлар) ва бошқа мавзуларга доир маълумотлари жуда ҳам қимматлидир. «Мунтахаб ат-таворих» асарининг муаллифи даврига тегишли оригинал қисмининг ҳозирги ўзбек тилига таржимаси Токиода 2006 йили нашр этилган асарнинг иккинчи жилди матни асосида, унинг Бухоро амирлигига доир қисми эса асарнинг Душанбе факсимиле нашри (биринчи жилди) асосида илк дафъа тўлиқ ҳолда амалга оширилди.

Мазкур сатрлар муаллифи таржимани асл матни билан солиштиришга, изох ва кўрсаткичларни тузишга яқиндан ёрдам берган Исмоил Бекжонов ҳамда Абдулатиф Турдалиевга, иш жараёнида ўз маслаҳатлари ва маънавий ёрдамни аямаган, китоб муҳаррири Хондамир Қодирийга, ҳамжихатлиги ва кўллаб-қуватлагани учун ўз оила аъзоларига, китоб тақризчиларига, «Янги аср авлоди» нашриёти раҳбарияти ва ходимларига ўз миннатдорлигини билдиради. Шу ерда бир лавҳани эслаб ўтмоқчимиз. Таникли олима Музайяна Алавия ўз хотираларида машҳур адиб Абдулла Қодирийни эслаб, ёзадилар: 1935 ёки 1936 йил эди. Бир қуни Абдулла акани қизик бир ҳолатда кўрдим. Хонасида узок ўтириб, китоблар орасидан чиқиб келди. Кўзлари йиглагансумон, аммо руҳи баланд эди. Хайрон бўлиб қолганимни сезиб: «Ўйлаб юрган романимни ёзиб битирсам, китоб бўлиб чиқса, кўркаманки «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»ни ҳеч қим ўқимамай кўядими дейман», — деди. Адибнинг режасига кўра бу романда Туркистон хонлари амир Умархон, ўғли Мухаммадалихон ва амир Насруллох ўрталарида бир гўзал қаниз туфайли ўтган фожияли тарих баён қилиниши керак эди. Адибнинг ўғли Хабибулла Қодирий ҳам «Отамдан хотира» китобида ушбу романининг ёзилиши тарихидан ҳикоя қилиб шундай ёзади: «Дадамнинг шундай деганлари ёдимда: «Романга керакли материаллар етарли бўлиб қолди. Энди Тошкент шарқ кутубхонасида Умархоннинг жияни ёзган, ўша давр тарихига оид нодир бир кўлөзма бор экан, шу

китобни ҳам ўтириб бир ўкиб чиксам, бас. Уй-рўзгор ишларидан хотиржам бўлиб олиб, бир киш ўтирсам, романни ёзиб битираман...»

Афсуски, дадам ниятларига ета олмадилар...».

Тарихимизнинг Худоёрхон (уч марта хонлик тахтига кўтарилди: 1844-1857; 1863; 1865-1876 йй.) хонлик давридан ҳам кирлирок, корарок кунлари бўлган, юксак бадиий тусга беланган, ўзбек халкининг маданий мероси бўлгучи гўзал ва машхур бу романни ўкиш китобхонларга насиб этмади.

Шодмон Вохидов

тарих фанлар доктори, профессор

... Куйида аштархонийлардан кейин улар ўрнига тахт тепасига келган иккита сулола хонадони ва насаби хакида сўз юритамиз. Улардан биринчиси hozir Бухорода хукм юргизиб ўтирган манкитлар сулоласи. Иккинчиси шу кунларда Хўкандда салтанат тепасида ўтирган минг лар хонадони. Юз ва кенагас ҳамда бошка тоифалар давлати хакида эса мазкур икки салтанат баёни асносида кискача гапириб ўтамиз, иншоаллохи таоло.

ЎН БИРИНЧИ ТОИФА

Манкит хонадонининг давлати ва насаби

Уларнинг биринчиси Рахимхон ибн Хаким оталик ибн Худоёр оталик ибн Худойкулибий ибн Човушбий эди. Рахимхон амирлик мансабига ўтиргач, кўпларни инъом ва эхсонлар билан ўзига ром килди. У табиатида хасад ва гайирлик хислати ўта кучли ва жабру ситамни ўзига касб килган бир киши эди. Аммо, шу золимлигига карамай, кўплаб шоир ва фозиллар сухбатини ҳам топганди. Мовароуннахрнинг кўп ерларини шамшир зарби билан забт этди. Чунончи, ўша пайтда Хўкандда Эрдонабий валинаъмий хукмронлик киларди. Ўратепада Фозилбий валинаъмий ибн Содикбий ибн Саййидбий ибн Хушика оталик ибн Кулика бий хукм юргизарди. Шахрисабзда эса Олим бий ибн Иброхим оталик хукмронликни ўз кўлида тутиб турарди. Хисори Шодмонда бўлса Мухаммадаминбий хоким эди. Ва улардан ҳеч бири Рахимхонни тан олмасдилар. Рахимхон ўзбек улугларининг ахволини бу тарика кўргач, кин ва адоват камарини белига боглаб, улар душманлигини бартараф этиш сари юзланди. Олимбий ва Субхонкулибийни бошка кенагас амирлари билан бирга неча бир хийлаву тадбир воситасида ва ёлгон ахду

паймонларни ўртага кўйган холда Шахрисабз калъасидан ташкарида ўз олдида чорлади. Ва бу соддадил амирлар душман сўзига ишониб, ўз оёқлари ила кассобхона сари келдилар. Байт:

Вафо мажуй зи кас, дарзи ман мешнав,
Ба харза толиби Симурги кимиё мабош.

(Мазмуни:

Хеч кимдан вафо излама, эшит пандим.

Бекорга кимё Семургини кўлга киритаман деб юрма).

Рахимхон хузурига келган бу амирларга зўр иззат-икромлар кўрсатди. Аммо, у канчалик зўр бериб, бу каби хийлаларни ишлатмасин, ўша пайтда Шахрисабзнинг икки фарсахлик масофа юкорисидаги Увах (?) калъасида хокимлик килаётган Муҳаммадюсуфбекни кўлга тушира олмади. Ноилож, акаси Ёвкочтибекнинг кизини унга бериб, ўзига куёв килди ва неча бир касамнома билан уни Хам ниҳоят ўз олдида чакириб олишга эришди. Шундан сўнг кенагаснинг ўттиз икки муҳрдорини бир ерга йигиб, уларни катл этишга ҳукм берди. Айримлар айтишича, Рахимхон бу ўттиз икки кенагас муҳрдорини бу воқеалар рўй бермасдан бурун ўлдиртирган экан. Аммо, гапнинг тўғрироғи ўша биринчисидир. Ул бегуноҳ мазлумлар неча бир хорлик билан шахидлик даражасига етиб, бу ўткинчи дунёдан этак силкишди. Байт:

Як кас ба зери гунбади нилуфари кай дид,
К-зи хуни дийда орази ў лолазор нест.

(Мазмуни:

Бу зангори осмон остида ким кўрибди ўзин,

Юзи конли кўз ёшидан лолазор бўлмаганин).

Рахимхон Шахрисабз мамлакатлари келинчаги Кешни ракиблардан холи кўргач, ўша томонга юзланиб, ул худуднинг барчасини ўз тасарруфи остига киритиб, огуши сари тортди ва бир неча кундан сўнг ул мулк ҳукуматини ўз гуломи Кутлукбой девонбеги га топшириб, ўзи Бухоро томонга қайтиб кетди. Бухорога келиб, бир неча кун йўл хордикларини чиқариб, дам олди.

Рахимхоннинг Уратепа томон лашкар тортгани зикри

Рахимхон ўзининг Уратепага лашкар тортишидан бурунрок Эрдонабий валинаъмини ўзининг киёматлик фарзанди атаб, уни бу бўлажак юриш борасида огохлантирган эди. Шунга кўра харбий сафардан олдин Эрдонабий олдида бир чопар юбориб, юришда ҳамкорлик килиш учун таклиф килди. Эрдонабий Рахимхоннинг сўзини қабул қилиб, бутун Фаргона лашкарини йигканча Рахимхон сари ошиқди. Бу хабарни Фозилбий валинаъми эшитиб, чуқур ўй ва фикр денгизига чўмди. Анча ўйлангач, Муҳаммадаминбий хузурига тезликда бир чопар юборди ва ўз ору-номусини унинг зиммасига юклаб, ушбу муҳим ишни Муҳаммад-аминбийга хавола килди. Муҳаммадаминбий ҳам Хисорнинг барча кўшинини йигиб, Фон ва Фалгар йўли орқали ўзини манзилу мақсад сари етказди. Рахимхон ва Эрдонабий Зомин мавзесида учрашгач, тутинган «ота-бола» бир-бирини бағрига босиб, кучоклашиб кўришдилар. Хар икки томондан дўстона ҳурмат ва

мархаматлар юзага чикди. Эртаси куни хар икки сохиби давлат биргаликда сон-саноксиз лашкар билан кўзгалиб сал юргач, Уратепага бир фарсахлик Обижомак мавзесида кўш ташлашди. Тонг окаргач эса у ердан хам кўчиб, Истравшан калъасини узук қошидек ўртага олиб, уруш ва камал ишларига машгул бўлдилар. Бирок, камал муддати анча чўзилиб кетди. Шахар халки кийин ахволга тушиб, танг бир вазиятда колдилар. Фозилбийнинг кай тадбир ва чора билан бу икки кўшин денгизи гирдобидан кутулишини билмай, боши котди. Мухаммадаминбий ўта тадбиркор ва иш билувчи, кўпни кўрган киши эди. Ана шу уддабуронлиги ва маккорлиги оркасида унга «Мухаммадамини шайтон» лакабини беришганди. Бир куни бир хийла ва тадбир ўйлаб топди ва Рахимхоннинг ёлгондакам мухри билан Эрдонабий номига ва яна бир хатни Эрдонабий номидан Рахимхон номига битиб, хар иккала сохиби давлатнинг ўрдусига юборди. Бу икки калбаки хат ул олий мартабали зотлар кўлига етгач, уларни ўкиб кўриб, мазмуни билан танишганларидан сўнг хар иккаласи калбида бир-бирига нисбатан шубха ва гумону Хадиклар пайдо бўлди. Дархол ўринларидан кўзгалиб, хар кайси ўз лашкари билан хар томонга

кетишди. Шу тарика тадбир такдирга мувофик тушди. Шеър:

Аз он сард омад ин кохи диловез,

«Ки чун жо гарм карди» гўяд «хез» (Мазмуни:

Бу чиройли саройнинг совук эканига сабаб,

«Ўринни кизитдингми, тур жойни бўшат» конунидир).

Ва ўша зим-зиё коронгу кечаси шундай бир каттик шамол кўзгалдики, гўё ул икки лашкар хазрат Нух алайхиссалом тўфони ва Худ алайхиссаломнинг халокатли шамоли орасида колган эдилар. Бухоро кўшини ва Хўканд лашкари каерга томон юришини ва ул даштда не янглиг саргардону хайрон кадам босишини билмай колдилар. Фозилбий ва Мухаммадаминбий маслахатлашиб, Бухоро лашкарини ўз холига кўйиб, Хўканд кўшини кетидан тушдилар. Каерга етишса, урушмасдан туриб хўкандликларни асир олишар, ганим аскарларининг эса оркасига кайрилиб карашларига сира хол ва токатлари колмаган эди. Шу сабабли ўша куни юз мингни ўлдириб, каллаларидан миноралар ясашди. Ва Эрдонабий неча бир машаккат билан зўрга Хўкандга етиб олди. Аммо, Фозилбий ва Мухаммадаминбий Бухоро лашкари хамласига дош бера олмай, ноилож неча бир дарду хасрат билан кочиш водийси сари юз тутиб, оркага карамай кочиб кетдилар.

[Рахимхоннинг Хисор вилояти устига юриб, Мухаммадаминбийни асир олгани ва уни катлга етказгани зикри]

Шундан сўнг Рахимхон касос илинжида Хисор томон бостириб борди ва урушда Мухаммадаминбийни енгди ва Бухоро сарбозлари Мухаммадаминбий хазинасининг барини талон-тарож килишди. Ва Рахимхон барча Хисор вилоятини эгаллади. Икки-уч кундан сўнг ул бахти кайтган мирни беокибат ўзбеклар ушлаб, Рахимхон хузурига олиб

бордилар. Рахимхон ва Мухаммадамин ва ўзбекларнинг бошка улуглари сохибкирон Нодир подшоҳ томонидан ок уйлик бўлганларига карамай, барибир, Мухаммадаминбий юзнинг йўли ҳар жихатдан Рахимхон манкитдан илдамрок эди. Шунга кўра у сира бошини эгмас ва ҳеч кимни тан олмасди. Унинг бу ишидан Рахимхон жуда хайратда юрарди. Фалак бу қисмат ўйинини кўрсатганда, Рахимхон учун айна муддао бўлиб, шу туфайли бундан кейин бий иззат ва икромимни албатта ўз ўрнига кўяди, деган умидда эди. Бинобарин, дарҳол ўз ҳузурига чорлади. Айтишларича, ўша суҳбатда жуда кўп саййид, уламо ва амирлар тўпланишган экан. Мухаммадаминбийни бу кўрунуш йигинига боши очик, оёқ яланг холда киритишган. Шунда ҳам Мухаммадаминбий Рахимхонни назар-писандига илмай, уламо томонга караганча «ассалому алайкум, эй уламо» дебди ва бу туркий байтни ўкибди, байт эса ушбурдир:

Чу билдим ризк эрур максадим, чекмам дўстдин миннат,
Казодин хориж эрмас иш, адувга инкиёд этмам.

Рахимхон бу каби муомала сўзларини Мухаммадаминбийдан эшитгач: — Тилиннга ахлат, бу сўзларни деганинг билан барибир сен ҳеч қачон мусулмон бўлиб қолмайсан, — дебди ва катлга ҳукм қилибди. Шунда бийни судраб-судраб, қалъа бозори бошига олиб чиқишибди. У анча йиллар шу вилоятда эркин ҳукм юргизган ва ҳеч бир сохиби давлатга бош эндирмаган эди. Мана энди неча бир хорлик билан ўша бошини танидан жудо қилиб, дорга осишди. Рахимхон кўнглини Мухаммадаминбий ишидан тинчитгач, Хисор вилоятини ўзининг амирларидан бирига бериб, Бухорога қайтди. Бир неча вақтдан сўнгра Хоразм томонга лашкар тортди. У ердан ҳам музаффар ва мансур холда катта галаба билан юртига қелди ва бир неча кун давомида йўл чарчокларини ёзиб, тин олди. Ва тагин бир неча муддат ўтиб, беҳуда гапларга уста ва хушомадгўй уламодин бир нечтаси «шариатда ўн икки минг кишига улуг (нафақа) берадиган ҳар бир ҳокимнинг «подшоҳ»лик номи билан аталишга ҳукм бор» деган қатъият беришди. Буни уламолардан эшитган Рахимхон дарҳол шохлик тожини бошига қийди ва салтанат тахтига ўтирди. Унинг номига хутба ўқиб, Рахимхон кўрсатиб берган тарзда танга ўйдилар. Хотини Жонакпошони ҳам малика сифатида сарой харамидида подшоҳлик тахтига чиқарди. Айтишларича, хоннинг Мирзо Боқир исми бир ўта хозиржавоб ва латифгўй надими бор экан. Бир куни хоннинг нима учундир Мирзо Боқирдан кўнгли қолиб, ўлимга ҳукм қилибди. Бечорани судраб-торткилаб, хон олдидан олиб чиқиб кетишадиганда ушбу байтни бир зумда назм ипига териб, қуйидагиларни ўқибди, шеър:

Сарам буриду ба ҳокам нишонду хунам рехт,
Надонам ин чаманоро чи муддао дорад?

(Мазмуни:

Бошим кесди-ю, тупрокка ёнбошлатди, коним тўқди,
Билмам, бу чаман безовчининг муддаоси недур?)

Унинг жавобида хон ҳам шу захоти бадеҳа тарзида ушбу шеърни ўқибди:

Сарат буриду ба ҳокат нишонду хунат рехт,
Хануз ҳаққи намак бо ту қорхо дорад.

(Мазмуни:

Бошинг кесди-ю, тупрок узра ўткизди ва тўқди конинг,
Чунки, тузим ҳаққининг хали сенда яна иши кўпдир).

Мирзо Боқир яна бир бошка байт айтмоқчи бўлган экан, хон дарҳол шундай дебди, мисраъ:

Инжо мақоми дам задани Жабрайил нест!

(Мазмуни:

Бу ер Жабраилнинг сўз айтадиган жойи эмас!

Мирзо Бокир караса, иш кўлдан чиккан. Шунда у «энди барибир бўладигани бўлди, ўлишим аник, ётиб колгунча отиб колиш зарур» кабилида иш тутиб, жавобида ушбу мисрани айтибди:

Фиръавн, куштаи ту магар руди Нил нест?

(Мазмуни:

Фиръавн, сени ўлдирган Нил дарёси эмасми?)

Мирзонинг жавобидан хоннинг кулгиси кистаб, газаб олови сўнибди. Иттифоко, ўша чоғда хон зумрад дастали пичокда ўз тирногини олаётган бўлиб, пичок эгри кетиб, хоннинг бармогини кесиб юборибди ва кон ока бошлабди. Хон пичокни четга иткитиб, надимларига караганча «бундай пичокни синдириб ташлаш керак» дебди. Бунга жавобан надимларнинг ҳеч бири бирон нарса дея олишмабди. Мирзо Бокир эса: — Агар хон эгаи ин корд-ро ба ин гулом меҳрубони мекарданд, кин килиб осар эдим [аския килиб тожикча ва туркий аралаш «агарда хон бу пичок эгасини менга меҳрубонлик килиб берсалар, кин килиб осар эдим»], — дебди. Хон Мирзонинг бу нозиктаъблик билан айтган сўзларини эшитиб, роса кулибди ва пичок ёнига подшоҳона тўн хам кўшиб, Мирзога инъом килибди ва бир кошик конидан кечибди. Хон билан Мирзо ўртасида бўлиб ўтган бундай воқеалар хақида кўплаб хикоялар айтилади. Аммо бу ерда шу айтганимиз билан кифояландик. Айтишларича, Рахимхон бир куни Хожайи Жаҳон номи билан танилган кутб ал-авлиё, гавс ал-аткиё, Ҳазрат хўжа Абдуҳолик Гиждувоний макбараси зиёратига борибди. У ерда бир беадабсизлик килиб кўйибди ва шу захоти ранги-рўйи қорайиб, Бухорога қайтибди. Ўша кечаси бу гурурга тўла саройдан борлик этагини йиғиштириб, охират уйи томон юзланибди. Чунончи, шоир айтмиш, байт:

Агар умр дори хазору дувист,

Ба жуз хоки тира туро жой нест.

(Мазмуни: Бир минг икки юз ёшга кирган эсанг хам,

Сен учун қора тупроқдан ўзга жой йўқ).

Умри муддати ўттиз олти йил, амирлиги даври эса ўн йил бўлиб, икки йил подшоҳ номи остида ҳукм сурди. Яъни Бухородаги ҳукмронлиги жами ўн икки йил бўлди. 1177 хижрий/1763-64 йили Рахимхоннинг мирохур и Бекназар Баҳодинр жилов бу воқеадан сўнг қочиб, Шахрисабзга борди ва Кеш вилоятини ўз тасарруфи доирасига киритди. Қенагаснинг Очамайли (уруги) амирлари сулоласи хонадони давлати шу зайл узилиб, Қайрасолди томон юзланди. Рахимхондан бирор фарзанд қолмади. Ўрнига амакиси Дониёл оталик ибн Ҳаким оталик амирлик тахтига ўтирди. У жуда юмшоқ табиат, тўгри сўз киши бўлиб, подшоҳлик унвонини ўзига эп кўрмади ва Чингизхон авлодидан саналмиш Абулғозихон исмли бир шахсни қайсидир бир бурчакдан топиб келиб, подшоҳлик лақаби билан кўгирчоқ ҳукмдор килиб тахтга ўтказди. Мамлакатнинг ишларини эса ўз қўлига олди. Хар жумъа куни одатлари шундан иборат эдики, Қўрунуш маросими пайти ул бечорага подшоҳлик либосини кийгизиб, салтанат тахти устига ўтказишар ва Қўрунуш тугагач, қимматбаҳо қийимларни эғнидан ечиб олишарди. Сўнг бу кўгирчоқ подшоҳ ёнида бир жиловдор билан Бухоро кўчаларини айланиб чикарди. Дониёл оталик Бухоро мамлакатини қўлга киритиш ишларидан тинчигач, қўнглини Рахимхоннинг беваси Жонақпошшога уйланиш ва уни ўз никоҳига киритиш тараддуди сари қаратди. Чунки, анча йиллардан бери бу аёл ишки ўқи унинг юрагини тешиб ўтган ва унинг хажрида оловга тушган соч толасидек жизганак бўлиб қуярди. Шоир демиш,

маснавий:

Ишк аст хазор шуъла дар тоб,
Акл аст хазор реша дар об.
Шоханшах бе сарири ишк аст,
Султон хароб карди ишк аст.
Чун оташи ишк бифурӯзад,
Фарзонаву акли хар ду сӯзад.
Чун ишк расад бо оханин тоб,
Сад шуълаи оханин кунад об.
Бар кухаи гам кунад амори,
Бар маркаб чу кунад савори.
Аз хуни жигари нигор пайванд,
Аз силсилаи жунун кунад банд.
(Мазмуни: Ишк ёнаётган минг бир шуъла,
Акл сувда ёйилган минг томир.
Шоханшоҳ ишк ила тахтсиздир,
Султон ишк сабаб бахтсиздир.
Ишк оташи олса аланга агар,
Окилу девона бирга тенг куяр.
Келса темирни эритгувчи ишк,
Темирни сувдек килиб эритар.
Гам эгарин урса улов сагрисига,
Сўнг ўтирса унга миниб шу отга.
Ошик жигарин янчиб кон этар,
Жунун занжирига боглар ўзин).

Нихоят, ана шу айрилик тунлари тугаб, умид тонги отди. Дониёл оталик Мовароуннахр мамлакатлари келинчаги Бухорони кўлга киритгач, ул гўзал парипайкарни ҳам ўз никохига олиб, хар иккаласини ҳам бирданига огушига тортди. Шоир бу байтни шу тўғрида айтмиш:

Бихамдуллох ки хажр охир шуду гам рафту ёр омад,
Зи жонсахти намурдан окибат моро ба кор омад.

(Мазмуни:

Шукрки, айрилик тугаб, гам кетиб, ёр келди,
Каттик жонлиқдан ўлмаганимиз охир фойда берди).

Айтишларича, ўшанда ул гўзал ёр учун ниҳоятда ажойиб ва чиройли, гоятда дилтортар ва назокатли бир либосни кадду коматига мослаб тикишган эканки, ўз даврида бундайини хали кўз кўриб, кулок эшитмаган экан. Назм:

Бале, ки зи дидани он шаклу рафтор,
Бубандад зоҳиди сад сола зуннор.

(Мазмуни: Ҳа, ул шаклу коматни кўриб,
Юз йиллик тоатли зоҳид диндан чикади).

Айтишларича, бир куни маликанинг доя-энагаси ундан: «Эй жаҳон маликаси, учта соҳиби давлат подшоҳ кўйнида бўлдингиз. Айтингчи, улардан қай бирининг хислати кўнглингизга мос тушиб, юрагингизни завк-шавкка тўлдирди?» деб сўрабди. Малика бу саволга қуйидаги жавобни берибди: «Эй энажон, хусну жамолни Элбарсхонда кўрдим, яхши хулқ-атворни Раҳимхонда кўрдим, жимо лаззатини эса Дониёл оталиқдан топдим».

Азиз ўқувчи наздида яширин колмасинким, бизнинг асримизда ҳам бу янглиг иш юзага чикиб турибди. Лекин бирон кимса бу каби ишлар борасида акалли бирон сўз сўраб, қандай бўлмасин бирон жавоб эшитишни ўзига раво кўрмайпти. Кўрганнингиздек, ҳар қалай илгари замонда эса бунақа гаплар халқ орасида огиздан-огизга ўтиб, нақл қилиниб юрган экан. Мен эсам бир огиз гап сўраб «ҳечқиси йўқ, густохликнинг кечирилиш умиди бор» дегандан бошқа жавоб эшитмадим. Байт:

Чи гўям ки ногуфтанам бехтар аст,
Забон дар дахан посбони сар аст.

(Мазмуни: Нима дейин, айтмаганим яхшироқ,
Огиз ичидаги тил бошга посбондир).

Уша пайтларда Фозилбий валинаъмий фонийлик саройидан дору-л-бакога кўчиб ўтди. Умри муддати эллик саккиз йил бўлди. Унинг ўрнига ўгли Худоёрбий валинаъмий тахт тепасида қарор топди. Уратепанинг барча вилоятларини ўз тасарруфига киритиб, тўла эгаллик билан ҳукмронлик ишларига киришди.

Дониёл оталик бир неча йил ҳукм юргизиб, ниҳоят, огир бир касалликка йўлиқди ва шунинг орқасида ўткинчи оламини тарқ этди. Умри муддати етмиш беш ёш ва ҳукумат даври ўн етти йил бўлди. Ундан беш фарзанд ёдгор қолди. Биринчиси Шохмуродбий, иккинчиси Султонмурод кўшбеги, учинчиси Тўхтамишбий, тўртинчиси Умар кўшбеги, бешинчиси Махмудбий. Булар орасида жаҳондорлик аломатлари фақат Шохмуродбий пешонасида ярқираб турар, аммо у ўша кезларда фақру фано тариқати йўлига кириб, Бухоро кўчаларида пири топширигига кўра ҳаммоллик қилиб юрарди. Амирлар бир огиздан маъқуллаб, 1198/1883-84 йили Шохмуродбийни ҳукумат тепасига кўтардилар. Шохмуродбий амирлик ишлари саройи асосини адолат курсиси устига ўрнатиб, адолатининг чамансаройи ситам шохини фано шамшири билан қесиб, сипоҳ ва раиятни ўз қаноти остига олди ва ўша қунисийёқ порахўрликда ном чиқарган Бухоро қози қалонини сўроқ қилиб, гуноҳини бўйнига қўйғач, бошини кестирди. Ҳукумати давомида бирор соат давлат ишидан беҳабар бўлмади. Ўзбек хонлари ва амирлари орасида, балки, дунёнинг ҳеч ерида диндорлик ва инсофлиликда унга ўхшагани ҳеч бир замонда бўлмаган. Кўп вақтини шиа ахлига қарши урушларда ўтказди. Бу йўлда отининг туёғи Машҳаддан ўтиб, то Қадамжо ноҳиясигача етган эди. Ўша пайтда Марви Шоҳижаҳонда Эрон ҳокими Бобоҳон ахта томонидан ноибликка қўйилган Байрамалихон ҳокимлик қиларди. Шохмуродбий бу мамлакат устига бостириб борғач, бир ҳамла билан Марви Шоҳижаҳонни эгаллади. Жуда кўп шиаларни ўлдириб, Байрамалихоннинг ўгли ва келину набираларини асир қилиб Бухорога олиб келди. Байрамалихоннинг эса бошини кестирди. Фазилатлар эгаси Мирзо Содик Жондор бу воқеанинг таърихини яхши айтган ва таърих ушбудар:

«Сари гулом буриду ба пойи дор андохт,
Писари ў Хожихонро ба Бухоро овард»²⁸.

(Мазмуни:

Қулнинг бошини қесиб, дор остига ташлади,
Унинг ўхли Хожихонни Бухорога келтирди).

Аммо, Байрамалихоннинг ўгли Хожихон бир неча қундан сўнг тутқунликдан қочиб, Шаҳрисабздаги Ниёзали девонбеги олдига борди. Девонбеги уни иззат билан қаршилаб, бир йилга яқин ўша шаҳарда бўлди. Шохмуродбий валинаъмий Хожихонни топширишларини талаб қилди ва уни ушлашга жуда кўп ҳаракатлар кўргузди. Хатто,

тутиб беришса, эвазига тўрт минг ашрафий тилло бераман, дея ваъда берди. Ниёзали девонбеги жавобида эса «агар Бухоронинг етти йиллик солиқдан тушган йигим пулини беришса ҳам биз ҳеч қачон ўз меҳмонимизни ушлаб бермаймиз. Биз ўзбак халқимиз, кенагаснинг ялписини кириб, хатто биттаси тирик қолганда ҳам бу мақсадингизга етиша олмайсиз. Шунинг учун яхшиси бошингиздан бу хом ҳаёлни чиқариб ташланг», деди. Қандай ажойиб соҳиби давлатлар бўлган эканки, Хожихон шиа мазҳабида бўлишига қарамай, бунчалик иззат кўрсатишган. Бизнинг замонадаги эллик минг мусулмонни бир сарик чақага сотадиганларга эса лаънатлар бўлсин. Алқисса, Хожихон Шахрисабздан Худоёрбий девонбеги ҳузурига кетди ва у ердан Хўқандга Норбўтабий валинаъмий ҳузурига етишди. Икки йил фақирнинг бобоси уйда бўлиб, шундан сўнг у ердан Кошгар ва Тибет йўли орқали ўз ватани сари юзланди. Анча йўлларни босиб ўтиб, Эронга етиб олди ва Бобошох ахта ҳузурига борди. Шох илтифоти билан ўз юртида вазирлик мансабида қарор топди. Айтишларича, ҳеч ким бу қаби доно кишини кўрмаган ва эшитмаган экан.

Ҳар илмда моҳир бўлиб, ҳеч бир илм соҳаси унинг билим қанғалидан қочиб қутулган эмас экан. Айтишларича, Бобошох ахта замонида Гуржистондан минг бажоқий олтинга бир қанизакни сотиб олишибди. Бу қанизакнинг исми Саврисултон бўлиб, жаҳонни ёритувчи офтоб шунчалик оламни ёқувчи бўлишига қарамай, унинг ёлқинли юзига никоб воситасисиз ва ҳижоб ҳимоятисиз дош бериб қарай олмас, гул унинг жамоли шавқида ёқасини йиртган ва нарғис унинг ҳуснини томоша қилиш иштиёқида барча вужудини кўзга айлантирган экан. Ул раъно юзли жонон Бобошохни зулфи арқони билан овлаган экан. Қиз бу гўзаллиги устига ажойиб шеърлар ҳам битувчи шоира ҳам бўлиб, ушбу газал ул зебонинг латиф таъби маҳсулидир. Назм:

Шахсувори ман агар тарфи қалла бар шиканад,
Жунбиши фарри қулоҳаш сари Қайсар шиканад.
Офтобест агар барфиканад тарфи никоб,
Оразаш равнақи бутхонаи Озар шиканад.
Баски аз тири нигоҳаш ба дилам пайқонхост,
Гар ба ханжар занадам сари ин ханжар шиканад.
Тойири руҳи Сабури ба тавофи харамаш,
Чун ба парвоз дарояд зи шаъаф пар шиканад.

(Мазмуни:

Шохсуворим бошига дубулгани эгри қўндирса,
Унинг уқпари қимирлаб, Рум шоҳи бошин ёрар.
Никоби четини очса бир офтобдир ҳусни жамоли,
Юзин нури ила оташпарст Озар саждагоҳин ёқар.
Нигоҳи ўқларидан юрагимда неча пайқонлардир,
Ханжар урса менга ул ханжар боши бешак синар.
Сабурийнинг руҳ қушлари ҳарамии тавофи учун
Этса парвоз, қувончдан қоқиб қанотидан айрилар).

Бу байт ҳам уникидир:

Боданўш риндам қард ҳуш хиром май нўши,
Қаъбаро зи ёдам бурд қофари сияҳпўше.
(Мазмуни: Бода ичувчи ринд май ич деб туриб олди,
Қаъбани унуттирди ул қора қийган қофир).

Шохмуродбий замонасида Темуршоҳ ибн Аҳмадшоҳ афғон Қобулдан Мовароуннаҳр

касдида бир неча масофаларни босиб ўтиб, Акчага келиб тушди. Бу шохнинг келганидан Шохмуродбий валинаъми хабар топиб, Бухоро кўшини билан ул тарафга юрди ва Жайхун дарёсидан ҳеч нарсани ўйлаб-кўриб ўтирмасдан кечиб ўтганча шаъарлар онаси (умм ал-билод) Балх якинига бориб, кўш ташлади. Шохмуродбий валинаъмининг бу довюраклиги ва журъатидан Темуршоҳ хайратга тушди ва ярашиш сўзини ўртага солди. Орада элчи ва хат юборишлар амалга ошгач, сулҳ масаласи амалга ошиб, ҳар икки соҳиби давлат ўз давлати пойтахтига қараб кетдилар. Шахрисабз ҳокими Бекназарбий валинаъмининг вафоти ҳам ўша пайтга тўғри келади. Ундан уч ўғил қолди. Ниёзалибий ва Ҳакимбий ва Абдуллоҳ додхоҳ. Шахрисабз амирлари бир ёқадан бош чиқариб, катта ўғли Ниёзалибий валинаъмини амирлик тахтига ўтказишди. Ниёзалибий соҳиби тадбир ва доно киши бўлиб, Кеш мулкининг барча вилоятларини қўлга киритди. Бирор соат давлат ишларидан беҳабар бўлмасди. Ҳаким додхоҳ эса айни ёшлик ва ҳукмронлик чоғи жазом (?) касалига йўлиқди. Шеър машкида яхши эди. Бу туркий мухаммас унинг таъби маҳсулидир. Мухаммас:

Менга ҳам бор эди ҳар кун сипоҳу жоҳ ила ҳашмат,
Эшигимдин насим ўтмас эди беизну берухсат.
Кўнгул масрур, кўз пурнуру тан ҳам бор эди сиххат,
Фалакни жабридин етти бу янглиг меҳнату лат.
Ситамгар, зулмпарвар, шўҳ маккоримдин айрилдим,
Парилар сарвари ёри вафодоримдин айрилдим.
Шижоату химмат ва фазлу илм либоси Абдуллоҳ додхоҳ коматини ҳам бежаб турарди. У ҳам яхши шеърлар машқ қиларди. Настаълик хатини жуда яхши битарди. Бу икки китъа ул амирлик паноҳи таъбининг маҳсулидир. Китъа:

Баҳор рафту гулафшоне ба димоғ намонд,
Шароб дар қадаҳу нур дар чароғ намонд.
Муоширони хуш илҳон аз ин чаман рафтанд,
Ба гайри оби равон ҳеч кас ба бог намонд.
(Мазмуни:
Баҳор кетди-ю, гуллари иси димоғда қолмади, Қадаҳда шароб қолмади, чирокда эса ҳеч нур. Хушовоз суҳбатдошлар бу чаманни этишди тарқ, Оқар сувдан бошқа ҳеч қим қолмади богда).

Яна уники:
Хусн мулкинда шохдур кокул,
Турфа рифъатпаноҳдур кокул.
То ҳаводин топиб паришонлик,
Мен каби додхоҳдур кокул.
Шохмуродбий валинаъми қайта-қайта Шахрисабз устига бостириб бориб, улар орасида каттик урушлар рўй берди. Лекин ҳеч бир йўл билан бу ўлкани фатҳ этишга муяссар бўлмади. Шахрисабз атрофида ўн саккизта қалъа бино қилинган эди. Нихоят, Шохмуродбий бу вилоятни олишдан қўл тортиб, ўз давлати томон қайтди.

давоми бор...

